

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 30.08.2018. Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

ХОЛМУРОДОВА ОЛИМА АБДИВАЛИЕВНА

**ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ КУМУЛЯТИВ ЭРТАКЛАРИНИНГ
ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УУК: 398.2:82.0 (043.3)

**Филология фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Philological sciences**

Холмуродова Олима Абдивалиевна Ўзбек ва инглиз кумулятив эртакларининг қиёсий-типологик тадқиқи	3
Холмуродова Олима Абдивалиевна Сравнительно-типологическое исследование узбекских и английских кумулятивных сказок	29
Kholmurodova Olima Abdivalievna Comparative-typological study of Uzbek and English cumulative tales	57
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	61

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 30.08.2018. Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ХОЛМУРОВОВА ОЛИМА АБДИВАЛИЕВНА

**ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ КУМУЛЯТИВ ЭРТАКЛАРИНИНГ
ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАДҚИКИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**Филология фанлари бўйича Фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси** Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Fil.462 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tai.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:	Эшонкулов Жоппор Солиевич, филология фанлари доктори, профессор
Расмий оponentлар:	Раҳмонов Насимхон Аскарлович, филология фанлари доктори, профессор
	Селами Фидакар, филология фанлари доктори, Туркия жумҳурияти Ўгей университети
Етақчи ташкилот:	Урганч давлат университети

Диссертация химояси **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси** Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги DSc30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «8» сентябрь соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Таштисабз тор кўчаси, 5-уй.Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-14; e-mail: uzlit@uzsci.net)

Диссертация билан **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг** Асосий кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Зиелилар кучаси, 13 Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил «29» сентябрь куни тарқатилди.
(2020 йил «29» сентябрь даги 15 рақамли респ.р баённомаси)



Б. Тўхлиев,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси уринбосари,
фил.ф.д., профессор

Л. Худайкулова,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш аълоий котиби, фил.ф.и.

Ш. Турдимов,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, фил.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё фольклоршунослигида ҳар бир халқнинг оғзаки бадий ижоди умумжаҳон цивилизациясида нечоғлик ўринга эга эканлигини аниқлашга қизиқиш ва эътибор нияҳатда кучайди. Айниқса, поэтик тафаккур ривожига кучли таъсир кўрсатган эпик сюжетларнинг тарихий-генетик илдизларини ойдинлаштириш ҳамда ва архетипик мотивларнинг бадий эволюциясига ҳос хусусиятларни ёритишга қаратилган тадқиқотлар қўламини кенгаймоқда. Жаҳон халқлари эпик сюжет ва мотивларининг А. Аарне, С. Томпсон ва Х.Й. Утер томонидан тузилган типологик каталоги (АТУ) нашр этилганлиги эса Марказий Осиё туркий халқлари, жумладан, ўзбек халқ эртақлари таснифини мукамаллаштириш ҳамда асосий сюжет типларини аниқлашга доир кенг қўламли илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини яратди.

Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигидаги эпик сюжетлар типологияси ва поэтик трансформациясига доир тадқиқотлар халқ насрининг жанрлар таркибини урганишда янги босқични бошлаб берди. Натижада эртақчилик аъналарининг тадрижий ривожидан давомидан воқеликнинг занжирсимон шаклда такрорланиб қелишига асосланган кумулятив эртақлар типини шаклландирганлиги аниқланди. Европа эртақшунослари, хусусан, инглиз халқ насрини ўрганиш натижасида олинган илмий-назарий хулосалар ўзбек фольклоридаги кумулятив эртақларнинг ўзига ҳос хусусиятлари, поэтик структураси, мотивлар таркиби ва образлар тизимини тадқиқ этишга асос бўлди.

Кейинги уч йилда мамлакатимизнинг барча соҳаларидаги каби, бебаҳо миллий қадриятларимиз, жумладан, халқ оғзаки ижоди намуналарига бўлган эътибор янада кучайди. Ҳозирги замон тезкорликни, янгича ёндашувларни талаб этгани каби, халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишда ҳам янгича ёндашув ва янгича қарашлар шаклланишига сабаб бўлмоқда. ХХI аср фольклоршунослиги халқ оғзаки ижоди намуналарини чуқур ўрганиб, таҳлил этиш, ҳозирги давр ижтимоий муносабатлари билан боғлаб ўрганиш, уларни дунё халқлари ўртасида кенг тарғиб этиш, фольклор намуналарини замонавий компьютер техникаларига қўчириш каби муҳим йўналишларни камраб олмақда. Халқ оғзаки ижодига бўлган эътибор охириги йилларда давлатимиз раҳбарияти томонидан янада орғиб, такомиллаштирилиб борилмоқда. «Ҳар қайси халқнинг азалий тарихи ва маданияти энг аввало унинг оғзаки ижоди – фольклор санъатида, дoston ва эпосларида мужассам топган бўлиб, улар миллиятнинг ўзлигини англаш, унинг ўзига ҳос миллий қадриятлари ва аъналарини сақлаш ва ривожлантиришда бебаҳо манба ҳисобланади»¹. Халқ эртақлари ҳам халқимиз тарихи, миллий маданияти, бадий сўз санъатида алоҳида ўрин тутди. Асрлар оша аждодлардан авлодларга етиб келган бу санъат тури миллият тафаккурини ўстиришда, эстетик дидини юксалтиришда, ёш авлодни ҳар томонлама қомил инсон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро баҳшичилик санъати фестивали очилишига бағишлаган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи – Тошкент, 2019 йил, 7 апрель.

килиб тарбиялашда муҳим Урин тутини билан узига хос аҳамият касб этиб, ушбу тадқиқотнинг долзарблиги ва заруратини белгиланган хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури туғрисида»ги, 2018 йил 26 апрелдаги 304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида»ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқени тубдан ошириш чора-тадбирлари туғрисида»ги Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон «2010-2020 йилларда помоддий маданий объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш туғрисида»ги, 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион гоёлар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон фольклоршунослигида эртақ жанрини тадқиқ этишда А. Аарне, С. Томпсон, Х.Й. Утер, В.Я. Пропп, Е.М. Мелетинский, В. Аникин, Л.Г. Бараг, Е.А. Тудоровская, Ю.М. Соколов¹

¹ Aarne A. The Types of the Folk-tale: A Classification and Bibliography. Annti Aarne's Verzeichnis der Marchentypen / A.Aarne; translated and enlarged by S.Thompson. – Helsinki: Academia scientiarum fennica, 1928. – 279 c. ; Thompson S. The folktale. – London: University of California Press, 1977. – 502 p. ; Uther H.J. The Types of International Folktales, a Classification and Bibliography, based on the System of Antti Aarne and Stith Thompson by H.J.Uther – Helsinki, 2004; Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – М.: Лабиринт, 2000. – 336 с.; Мелетинский Е.М. Герой волшебной сказки. – М. - СПб.: Градница, 2005. – 240 с.; Аникин В.И. Русская народная сказка. – М.: Просвещение, 1977. – 208 с., Бараг Л.Г. Народные сказки, легенды, предания и были Башкирии. – Уфа: Башкирское издательство, 1969. – 191 с.; Тудоровская Е.А. Русская волшебная сказка: её структура и типология. – М.: Балтийские сезоны, 2017. – 349 с.; Соколов Ю.М. Русский фольклор (устное народное творчество). – М.: Юрайт, 2018. – 243 с.

каби олимларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. ЮНЕСКО ташкилотининг 1989 йилдаги «Аъъанавий маданият ва халқ оғзаки ижодини асраш борасида тақлифлар»¹ номли нашрида таснифлаш эртакларни сақлаб қолишга булган энг катта уринишлардан бири сифатида таъкидланган.

А. Аарне тузган «Эртак типлари курсаткичи», В.Я. Проппнинг «Сехрли эртакларнинг тарихий асослари», Е.М. Мелетинскийнинг «Сехрли эртак кахрамони», Е. Тудоровскаянинг «Рус сехрли эртаклари: структура ва типология» номли илмий ишлари дунё халқлари эртакларини урганишда, тадқиқ қилишда муҳим ўрин тутди².

Эртаклар таснифи кўпгина олимлар томонидан турли халқлар эртаклари асосида ишлаб чиқилган була-да, улардан Стит Томпсоннинг «Халқ эртакларининг мотивлар курсаткичи», В.Я. Проппнинг «Эртаклар морфологияси» ва замонавий ҳамда кенгайтирилган тарзда АТУ (Аарне/ Томпсон/Утер) «Халқаро эртак типлари: таснифлаш ва библиография» эртакларни таснифлаш учун асос бўлиб келмоқда³. Таснифлаш – эртаклар, уларнинг тури, мотив ва функциясига биноан ишлаб чиқилган. Биринчи классификацион тизим эртактип курсаткичи деб номланувчи эртак мавзулари асосида турларга ажратилиб, 1910 йилда Антти Аарне томонидан тайёрланган ва Стит Томпсон, Ханс-Йорг Утерлар томонидан такомиллаштирилиб ва қўшимчалар киритилиб борилган. Албатта, А. Аарненинг эртакларни таснифлаштиришдаги ўрни бекиёс бўлиб, у биринчилардан бўлиб «Эртак типларининг курсаткичи» китобида европа халқлари эртаклари асосида эртакларни *ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар; сехрли эртаклар; ҳазиломуз эртаклар; анекдотлар ва хандалар* сингари турларга ажратди⁴.

Америкалик олим Стит Томпсон Антти Аарне ишини қайта кўриб чиқиб кенгайтирди ҳамда 1928 йилда «Халқ эртакларининг типлари: таснифлаш ва библиография» номи остида қайта нашр эттирди. Томпсон эртакларни *ҳайвонлар ҳақида эртаклар, одатий сехрли эртаклар ва ҳазиломуз эртаклар* сингари асосий 3 гуруҳ асосида турларга ажратди. Ушбу тур каталогининг 2000 дан ошишига америкалик фольклоршунос Арчер Тэйлорнинг ҳиссаси катта. У эртакларнинг занжирли боғланишга асосланган

¹ UNESCO (1989) Recommendation on the Safeguarding of Traditional Culture and Folklore. Retrieved 18 October, 2012, from <http://portal.unesco.org/en/ev.php>

² Aarne A. Verzeichnis der Märchentypen. – Helsinki: Suomalaisen Tiedakatemian Toimituksia, 1910. – 192 p.; Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л: ЛГУ, 1986. – 365 с.; Мелетинский Е.М. Герой волшебной сказки. – М.: СПб.: Традиция, 2005. – 240 с.; Тудоровская Е. Русская волшебная сказка, её структура и типология. – СПб.: Балтийские сезоны, 2017. – 352 с.

³ Thompson S. Motif-Index of Folk-Literature: a Classification of Narrative Elements in Folktales, Ballads, Myth, Fables, Mediaeval Romances, Exempla, Fabliaux, Jest-Books, and Local Legends. – Helsinki. – 1936. Volume 1 - 6.; Пропп В.Я. Морфология сказки. – М.: Наука, 1969. – 168 с.; The types of international folktales: A Classification and Bibliography Based on the system of Antti Aarne and Stith Thompson by Hans-Jorg Uther. – Helsinki, 2004. – 3 vls. – 619 p.; Thompson S., Aarne A. The types of the folk-tale. A classification and bibliography. A classification and bibliography, Antti Aarne's Verzeichnis der Märchentypen (FF Communications №3) Translated and enlarged by S. Thompson. – Helsinki, 1928. – 427 p.

⁴ Aarne A. Verzeichnis der Märchentypen. – Helsinki. – 1910. – 63 p

турларини тониб¹, тўртинчи турга формулални эртақлар номи остида Аарне ва Томпсон таснифига қўшади ва қолган эртақларни турларга ажратилмаган эртақлар сифатида 5 гуруҳга киритди: *хайвонлар ҳақидаги эртақлар; сеҳрли эртақлар; ҳазиломуз эртақлар; анекдотлар ва хандалар; формула эртақлар; турларга ажратилмаган эртақлар.*

Ўзбек халқ эртақларини турларга ажратишда фольклоршунос олим М. Афзаловнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз бўлади. Олим эртақларни асосан учга: *хайвонлар ҳақидаги, сеҳрли-фантастик ҳамда ҳаётний-сатирик эртақларга бўлиб тасниф қилади*². К. Имомов эса ўзбек халқ эртақларини *сеҳрли ва ҳаётний* сингари икки турга бўлиб, хайвонлар ҳақидаги эртақларни сеҳрли эртақлар таркибида урганишни тавсия этади³. Фольклоршунос олим М. Жураев ўз тадқиқотида халқ эртақларида ракамлар муҳим ўрин тутганини атрофлича тадқиқ этган⁴. С. Жумаева ўзбек эртақчилигида хайвонлар ҳақидаги, З.Усмонова эса новеллистик эртақлар етакчилиги килишини урғулашади⁵.

Сўнгги йилларда ўзбек эртақчилиги жуда катта ютуқларни қўлга киритди. Жумладан, ўзбек олими М.Жураев германиялик олим Г. Кэллер ҳамда Х.Раҳимовлар билан ҳамкорликда “Ўзбек сеҳрли эртақлари каталоги”ни ишлаб чиқди⁶. Бу каталог Германияда нашр этилиши ўзбек фольклоршунослигининг энг катта ютуқларидан биридир.

Европа тадқиқотлари натижаси бўлган кумулятив эртақлар барча халқлар эртақлар фондида мавжуд бўлиб, бизда мавжуд ўзбек кумулятив эртақлари ҳақидаги маълумотлар фақатгина илмий мақолаларда чекланган. Кумулятив эртақлар урганишига доир асосий фикрларни И. Болте ва Г. Поливка, А.И. Никифоров, О.И. Капица, М. Хаавио, А. Тейлор, С. Томсон, Э.В. Померанцева, И.И. Толстой, Н. Рошияну, В.Я. Пропп, В.П. Аникин, Н.М. Герасимов, И.И. Крук, И.Ф. Амроян, А. Кретов, Н.А. Акименко ва яна бир канча олимлар изланишларида қўришимиз мумкин⁷.

¹ Taylor A. A Classification of Formula Tales // The Journal of American Folklore. – 1933. – Vol.46, №179. – P. 77- 88.

² Афзалов М. Ўзбек халқ эртақлари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1964. – 95 б.

³ Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент: Фан, 1981. – 103 б.

⁴ Жураев М. Ўзбек халқ эртақларида “сеҳрли” ракамлар. – Тошкент: Фан, 1991. – 152 б.

⁵ Жумаева С.Ч. Хайвонлар ҳақидаги эртақларнинг генетик асоси ва спецификаси NDA. – Тошкент 1996. – 125 б.

⁶ Keller G., Rachimov Ch., Juraev M. – Typenkatalog Usbekischer Zaubermaeren (Klassifizierung mit Kommentaren). Band I-II. – Freiburg: Vorabdruck, 2018. – 795 s.

⁷ Bolte J., Polivka G. Anmerkungen zu den Kinder- und Hausmaeren der Brüder Grimm. – Leipzig. – 1913. – 237 p.; Никифоров А.И. Народная детская сказка драматического жанра – Л., 1928; Капица О.И. Детский фольклор. Песни, потешки, дразнилки, сказки, игры – А. Прибой, 1928 – 222 с.; Хаавио М.: Kettenmaeren studien – Helsinki, 1929.; Taylor A. A Classification of Formula Tales // The Journal of American Folklore – 1933. – Vol 46, №179. – P. 77-88; Thompson S. The folktale / The Dryden press. – New York. – 1946. – 537 p.; Померанцева Э.В. Русская народная сказка – М., 1963. – 191 с.; Померанцева Э.В. Русская народная сказка. – М., 1963. – 191 с.; Шу муаллиф. Судьбы русской сказки. – М. Наука. 1965. – 220 с.; Толстой И.И. Обряд и легенда афинских буффоний / Толстой И.И. Статьи о фольклоре – М., Л. Наука, 1966. – С.80-96; Рошияну Н. Традиционные формулы сказки. – М.: Восточная литература, 1974. –216 с.; Пропп В.Я. Морфология

Бундан ташкари С. Қаскабасов, Е. Турсунов, А. Баймурадов, Ш. Гелдиева, Ф.Х. Гезалов, Б. Каримов, М. Афзалов, К. Имомов, Г. Жалолов, К. Бекназаров, Ж. Юсупов, С. Жумаева, Н. Дустхужаева, З. Усмонова, М. Содикова, К. Қодиров, З. Расулова, Ш. Назарова каби олимларнинг бу йуналишда қатор илмий изланишлари мавжуд¹.

сказки – М.: Наука, 1969 – 168 с.; Шу муаллиф Исторические корни волшебной сказки – Л.: Издательство ЛГУ, 1986 – 365 с.; Шу муаллиф Русская сказка (Собрание трудов В. Я. Проппа) Научная редакция, комментарии Ю. С. Рассказова. – М.: Лабиринт, 2000. – 416 с.; Шу муаллиф Фольклор и действительность. – М., 1976. – 327 с.; Аникин В.П. Русская народная сказка – М.: Просвещение, 1977. – 208 с.; Герасимова Н.М. Формулы русской волшебной сказки (проблемы стереотипности и вариативности традиционной культуры) // Советская этнография. – М., 1980. – №5. – С.18-28; Шу муаллиф. Фигура медиации в русской волшебной сказке / Кунсткамера. Этнографические тетради – СПб., 1995 Вып 8-9. – С 241-250; Крук И.И. Восточнославянские сказки о животных. Образы. Композиция – Минск, 1989 – 159 с.; Амроян И.Ф. Типология целевидных структур. – Тольятти, 2000. – 124 с.; Шу муаллиф. Повтор в структуре фольклорного текста (на материале русских, болгарских и чешских сказочных и заговорных текстов). – М.: Государственный республиканский центр русского фольклора, 2005 – 296 с.; Petersen M.A. Treasury of Uzbek Legends and Lore. – Т.: Qatortol-Kamolot, 2000. – 180 p.; Кретов А. Сказки рекурсивной структуры / Academic Electronic Journal in Slavic Studies. – Toronto, 2003. – №1; Шу муаллиф Типология и генезис рекурсивных текстов / Филологические записки – Воронеж, 2013. – Вып. 31. – С. 219-245; Акименко Н.А. Лингвокультурные характеристики англосаксонского сказочного дискурса – Элиста: Изд-во Калм. ун-та, 2013. – 152 с.

¹ Қаскабасов С. Жаназық. – Астана: Аударма, 2002. – 584 б.; Турсунов Е. Генезис казахской бытовой сказки – Алма-Ата: Наука, 1973. – 216 с.; Баймурадов А. Туркмен фольклор прозасынын тарихы эволюциясы – Ашхабад: Ылым, 1982 – 164 б.; Geldieva Sh. Turkmen halk etekileri (Jaduly ertekiler). – Ashgabat: Miras, 2006. – 393 б.; Гезалов Ф.Х. Структура азербайджанских волшебных сказок: Дисс... канд. филол. наук – Ташкент, 1990. – 153 с.; Каримов Б. Ўзбек халқ эртақларининг баъзи бир хусусиятлари / XX аср ўзбек фольклоршунослиги (антология). – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – Б.49–64.; Афзалов М. Ўзбек халқ эртақлари хақида. – Тошкент: Фан, 1964. – 95 б.; Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008 – 252 б.; Шу муаллиф. Ўзбек халқ эртақларида социал мотивлар: Филол. фанлари номзоди. дисс. – Тошкент, 1968. – 186 б.; Шу муаллиф. Сехрли эртақлар / Ўзбек фольклори очерклари. Т.2 – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 84-88.; Жалолов Г. Ўзбек халқ эртақлари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1976. – 156 б.; Уша муаллиф. Генезис и поэтика узбекской волшебной сказки: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1986; Шу муаллиф. Эртақ ва ҳаёт – Тошкент: Фан, 1975 – 24 б.; Бекназаров Қ. Ўзбек халқ маънавий эртақлари (урғанилини, таснифи, поэтикаси): Филол. фанлари номз...дисс. – Тошкент, 1993. – 129 б.; Юсупов Ж. Хоразм эртақларининг генезиси, асосий хусусиятлари ва поэтикаси: Филол. фанлари доктори дисс. – Тошкент, 1999 – 281 б.; Жумаева С. Ҳайвонлар хақидаги эртақларнинг генетик асослари ва спецификаси: Филол. фанлари номз. дисс. – Тошкент, 1996. – 168 б.; Шу муаллиф. Ўзбек халқ эртақларига тарихий ёндашув – Қарши: Насаф, 2010 – 48 б.; Дустхужаева Н.Н. Ўзбек сехрли эртақларининг структурал таҳлили: Филол. фанлари номз. дисс. – Тошкент, 1999. – 175 б.; Усмонова З. Ўзбек эртақ-новеллаларининг узига хос хусусиятлари: Филол. фанлари номз. дисс. – Тошкент, 1999 – 160 б.; Содикова М. Угай киз тинидаги туркум эртақларининг спецификаси: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2003 – 28 б.; Қодиров К. Ўзбек сехрли эртақларида замон ва макон таъкини: Филол. фанлари номз. дисс. – Тошкент, 2004. – 143 б.; Расулова З.Ж. Ўзбек халқ сехрли эртақларида гаройиб буюмлар: Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 2012 –

Бирок, ўзбек кумулятив эртақларининг ўзига хос жанр хусусиятлари, структураси, мотиви, сюжети ва бадиияти буйича бугунги қадар илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Қолаверса, ўзбек кумулятив эртақлари инглиз халқ кумулятив эртақларига қиёсан тадқиқ этилмаган. Ўзбек ва инглиз кумулятив эртақларини қиёсий ўрганиш фольклоршунослиқдаги энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу сабабли мазкур мавзу илк бор илмий тадқиқот объекти қилиб белгиланди.

Тадқиқотнинг диссертацияга бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Жиззах давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Филология фанларининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва инглиз кумулятив эртақларини қиёсий-типологик жиҳатдан таҳлил қилиш орқали икки халқ эртақчилиқ анъаналарининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш, кумулятив эртақларнинг ўзига хос хусусиятлари, сюжет тизимининг шаклланиш тарихи, мотивлар таркиби ва образлар системасининг эпик трансформациясини ойдинлаштиришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кумулятив эртақларнинг тупланиши, нашр қилиниши ва таснифини илмий ўрганиш;

кумулятив эртақларнинг назарий асосларини белгилаш;

кумулятив эртақларнинг ўзига хос жанрий хусусиятларини аниқлаш;

кумулятив эртақларнинг структураси, таркибий қисмлари (инициал – медиал – финал)ни аниқлаш ва инглиз кумулятив эртақларига қиёслаш;

ўзбек кумулятив эртақлардаги мотив ва сюжетларнинг инглиз эртақларига ўхшаш ва фарқли томонларини курсатиб бериш;

ўзбек кумулятив эртақлардаги образлар, буюмлар ва нарсаларнинг функционал хусусиятларини белгилаш;

ўзбек ва инглиз кумулятив эртақларининг тил хусусияти, образлар бадиияти, бадиий тасвир воситаларининг қулланилиш даражасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини турли туплам ва нашрларда чоп этилган ўзбек ва инглиз халқ эртақларининг кумулятив типга мансуб матнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек ва инглиз халқ кумулятив эртақларининг жанр хусусиятлари, икки халқ эртақчилиқ анъаналарининг типологияси ва ўзига хослиги, эртақларнинг сюжет қурилиши, жанрий табиати ва эпик таркиби, кумулятив эртақларнинг жанрий хоссалари, генезиси ва бадиияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тавсифлаш, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, этнофольклористик ҳамда бадиий-эстетик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадкикотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Ўзбек фольклоршунослигида ilk бор кумулятив эртақларнинг сюжети занжирсимон-такрор қурилишига эгаллиги, бадий контекстда савол-жавоб формласи ва шеърый қисмлар муҳим ўрин тутиши, композициясининг бошлама, эпик баён ва хотимадан иборатлиги каби ўзига хос хусусиятларга эгаллиги ҳамда бу тип эртақлар кўп қисмли сюжетлар ҳалқаси ва бир-бирига боғланувчи мотивлар асосида шаклланганлиги аниқланган;

кумулятив эртақлар аниқ шаклланган такрорланувчи синтактик бўғинларга бўлиниши ва инсон билан уни ўраб турган олам ўртасидаги боғлиқликларнинг кўп қиррали ва мураккаб муносабатларини бадий талқин этиши билан характерланиши далилланган;

кумулятив эртақларнинг образлар тизими фаол ва нофаол персонаждардан иборат бўлиб, эртақ сюжетининг семантик қўламини белгиловчи фаол персонаждарнинг аксарияти эпик образ даражасига кўтарилганлиги, нофаол персонаждар эса эпизодик характерга эгаллиги исботланган;

Ўзбек ва инглиз кумулятив эртақлари ҳар бир халқнинг кўп асрлик тарихий-маданий анъаналари ҳамда ўзига хос маънавий турмушини акс эттирувчи фольклор асарлари бўлиб, ўзининг ижро шакли, мазмуни, бадий талқини, этномаданий контексти ва лингвокультурологик хусусиятларига кўра бир-биридан фарқланиб туриши асослаб берилган.

Тадкикотнинг амалий натижалари:

Ўзбек ва инглиз кумулятив эртақларининг жанрий хусусиятлари ва ўзига хос эпик талқини юзасидан олиб борилган тадқиқотлар тизимли равишда таҳлил қилинган;

кумулятив эртақларнинг композицияси, образлар таркиби, анъанавий мотивлар силсиласи ва асосий сюжет типлари аниқланган ҳамда бу тип фольклор асарларининг инчиал, медиал ва финал қисмларининг функционал-семантик хусусиятлари очиқ берилган;

Ўзбек ва инглиз кумулятив эртақларига хос мотив ва сюжетлар занжирининг ўзига хослиги қиёсий тадқиқ этилиб, бошлама, эпик баён ва хотиманинг бошқа тип эртақлардан фарқланиб туриши асосланган;

кумулятив эртақларга хос бадий тасвир воситалари ва лингвопоэтик хусусиятлари ўзбек ва инглиз эртақлар матни асосида илмий ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олингани, келтирилган таҳлил хулосаларининг тавсифлаш, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, этнофольклористик ҳамда бадий-эстетик таҳлил каби методлар асосида аниқланганлиги, хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти турли халқлар эртақларини қиёсий ўрганиш, эртақшунослик йўналишида кумулятивликнинг ўзига хослигини курсатиш, кумулятив тузилишнинг ўзбек ва инглиз халқ эртақларида акс этишини қиёслаш орқали фольклор матнларини таҳлил қилиш билан боғлиқ муаммоларни қиёсий аспектда ўрганишнинг ўзига хосликларини ва счимларини аниқлашда намоян бўлиб, тадқиқотда жамланган далиллар ўзбек

халқ оғзаки ижодини кенг ёритишда, эртақ жанри буйича қилинадиган илмий ишларга манба сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қиссий адабиётшунослик, ўзбек фольклоршунослиги ҳамда чоғиштирма тилшунослик учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, ушбу йўналишлардаги дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилишида акс этиб, ўзбек халқ оғзаки ижодини урганишга хорижлик олимларни жалб қилиш орқали ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг халқаро аренада кенг ёйилишида манба вазифасини бажариши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек ва инглиз кумулятив эртақларини қиссий-типологик тадқиқ қилиш буйича олинган илмий натижалар асосида:

кумулятив эртақларнинг жанрий хусусиятлари ва ўзига хос эпик табиатини тадқиқ этиш асосида чиқарилган илмий-назарий хулосаларидан Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида 2017-2018 йилларда бажарилган ОТ-А1-47 «Фольклоршунослик атамалари лугати» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2020 йил 11 ноябрдаги 3/1255-2459-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек эртақларининг ўзига хос хусусиятлари, ўзбек эртақларининг урганилиши, ўзбек эртақларида сюжет ва мотивлар талқини, эртақларнинг қиссий типологияси ва тараққиёт тамойилларига доир атамалар маъносини ёритиш мақсадида тайёрланган лугат-мақолаларини назарий жиҳатдан мукаммаллаштиришга эришилган;

Ўзбек халқ кумулятив эртақларидаги сюжет ва мотивлар занжирининг такрорий характерга эгаллиги ҳамда шеърий бандларнинг эртақ композицион структурасидаги поэтик вазифаларини ойдинлаштиришга қаратилган таҳлилий хулосаларидан «Ўзбекистон-Қирғизистон» дўстлик жамиятининг 01/108 «Ўзбекистон-Қирғизистон» дўстлик жамиятини ривожлантириш, ўзаро таржимашуносликни кенг йулга қуйиш дастури» доираси «Она юртим – Қирғизистон, Ўш» китобини нашрга тайёрлаб чоп этиш, Тошкент, Бишкек ва Ўш шаҳарларидаги тақдиротларини ўтказиш» мавзуидаги амалий лойиҳада фойдаланилган («Ўзбекистон-Қирғизистон» дўстлик жамиятининг 2020 йил 17 сентябрдаги маълумотномаси). Бунинг натижасида эртақчилик анъаналарининг ўзига хослиги, эртақлардаги шеърий парчаларнинг поэтик талқинлари, эртақлар генезиси ва образлар тизимини қиссий таҳлил қилиш асосида туркий халқлар поэтик тафаккурининг муштарак негизга эгаллиги ҳақидаги илмий-назарий қарашларни такомиллаштиришга эришилган;

Ўзбек ва инглиз кумулятив эртақларининг лингвопоэтик хусусиятларини қиссий таҳлил қилиш жараёнида олинган илмий-назарий натижалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган Европа Иттифоқи Erasmus + дастурининг 2016–2018 йилларга мўлжалланган 561624 – ЕРР – 1 – 2015 – UK-ЕРРКА2 – СВНН – SP – ERASMUS+СВНН ІМЕР: «Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш» номли инновацион лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги 89-03-740-сон маълумотномаси). Натижада ўқитувчиларнинг лингвистик ва коммуникатив қобилиятини ошириш, адабиётшунослик асосларига доир билимини ошириш

хамда таълим тизими жараёнини халқаролаштириш мақсадида услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда янги ёндашувларга эришилган;

Ўзбек халқ эртақларининг ёш авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, миллий ўзликни англашдаги аҳамиятига тегишли илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Адабий жараён», «Болалар учун», «Муқаддас қўғон» радиоэшиттиришларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон МТРК «Ўзбекистон» телерадиоканалининг 2020 йил 20 августдаги 04-25-78-сон маълумотномаси). Натижада телекурса тув ва радиоэшиттиришлар илмий жиҳатдан бойитилиб, халқ эртақларининг бугунги кундаги аҳамияти ва болалар тарбиясидаги ўрни ҳақидаги илмий қарашларни кенг қўламада тарғиб этилган. Шунингдек, тадқиқот натижасида тўплаб, нашр этилган «Қумулятив эртақлар олами» номли китобдан урин олган эртақлар матни радиоэшиттиришларда ўқиб эшиттирилган;

Ўзбек халқ қумулятив эртақларини кенг омма орасида тарғиб қилишда тадқиқотнинг илмий-назарий хулосаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Жиззах вилояти бўлимининг «Сайқал», «Ассалом Жиззах» каби телекурсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон МТРК Жиззах вилояти бўлимининг 2020 йил 17 сентябрдаги 02-09/727-сон маълумотномаси). Натижада халқ оғзаки ижоди ва миллий анъаналаримизнинг маданий ривожланишида тутган ўрни, таълим-тарбиядаги аҳамиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш нашр қилинган бўлиб, жумладан, 1 та тўплам, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, жумладан, хорижий журналларда 2 та, республика журналларида 8 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 155 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги қўрсатилган. илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Қумулятив эртақларнинг фольклоршунослиқдаги тадқиқи, назарий қарашларнинг тадрижи» деб номланган дастлабки

бобининг илк фасли «Эртактлар таснифи ва унда кумулятив эртактларнинг урни» дея номланди.

Дунё халклари эртактларининг умумий фондида кумулятив эртактлар алоҳида уринга эга ва бу намуналар эртактларнинг қадимий катламига тегишли эканлиги билан ҳам диққатга сазовордир.

«Кумуляция» атамаси лотин тилидаги «cumulare» сузидан олинган бўлиб, тушлаш, йиғиш, жамлаш, кучайтириш маъноларини билдиради. Фольклоршунослик атамаси сифатида эпик турга мансуб эртактларда воқеа-ҳодисаларни такрорга асосланган махсус занжирли тарзда ифодаловчи турига нисбатан қўлланилади. Кумулятив эртактларга нисбатан ўзбек фольклорига *кумулятив, занжирли* эртактлар, инглиз ва европа олимлари эса *cumulative tale, accumulative tale, formula tale, chain tale* атамаларини қўллашади, рус фольклоршунослигида *цепочная сказка, кумулятивная сказка, рекурсивная сказка, цепевидная сказка*¹ деб номланишини кузатишимиз мумкин.

Европа халклари болалар фольклорига кизикиш жараёнида Й. Болте ва Г. Поливка 1915 йил «Anmerkungen zu den Kinder und Hausmärchen der Bruder Grimm – Ака-ука Гриммларнинг халқ ва болалар эртактлари кузатувлари» китобида бошқа эртактлардан фарқ қилувчи, узига хос тузилишга эга эртакт намуналарига дуч келишганини қайд этишади. Бу эртактларда қисқа ва ритмга эга бўлган, персонажлари ёки уларнинг ҳаракатлари такрорланиб, узига хос занжирни ҳосил қилишини қайд этишади. Олимлар бу гуруҳ эртактларида такрорийликлар маълум сузалар, алоҳида жумлалар, ҳатто гуруҳ ва бутун эпизодларни ўз ичига олишини таъкидланган. Немис тилида сузлашувчи европа халқларида учровчи ушбу тур эртактларни урганишда европа олимлари *kettenmärchen, haufungsmärchen* ёки *zahlgeschichte* номли атамаларни ишлатишган. «*Accumulative tale*» – *кумулятив эртактлар* атамаси эса ҳозирги кунда дунё олимлар томонидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Рус фольклоршунослигида кумулятив эртакт атамаси илк бор Н.П. Андреев томонидан А. Аарне каталогини таржима қилиш давомида қўлланилгани қайд этилган². Утган асрнинг дастлабки чорагида кумулятив эртакт типлари рус фольклоршунослиги, адабиётшунослиги ва санъатшунослигида алоҳида тадқиқ этилган мақолалар мавжудлигини қайд этиш лозим. Бу уринда В.Я. Пропп (1976, 1984, 1989), А.И. Никифоров (1928), О.И. Капицаларнинг (1928) ишларини келтириш мумкин.

¹ Урусбиева Ф. А. Карачаево-балкарская сказка. Вопросы жанровой типологии – Владикавказ: ИИО СОИГСИ, 2010. – С. 44.; Наговицын А.Е., Пономарева В.И. Типология сказки – М.: Генезис, 2011 – С.39.; Taylor A. A Classification of Formula Tales // The Journal of American Folklore. –1933. – Vol. 46, № 179. – P 78.; Пропп В.Я. Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976. – С. 243.; Кретов А. А. Сказки рекурсивной структуры // Труды по русской и славянской филологии. Литературоведение. Т.1 (Новая серия). – Гарту, 1994 – С. 206, Шу муаллиф Типология и генезис рекурсивных текстов // Филологические записки. – Воронеж, 2012. – № 31 – С. 219

² Носов Д. А. Монгольская народная кумулятивная сказка // Монголика – IX: Сб. ст. – СПб.: Петербургское Востоковедение, 2010. – С. 84.

В.Я. Пропп кумулятив эртақларнинг композицион қурилишининг ниҳоятда содда эканлигига диққат қаратган. Уларни уч қисмдан – экспозиция, кумуляция (занжир) ва финалдан ташкил топишини курсатган¹.

Бошқа халқлар намуналари каторида ўзбек халқ кумулятив эртақлари композицияси ҳам аynи қурилишда намоён бўлади. В.Я. Пропп кумулятив эртақларни занжирнинг пайдо бўлиши урнига қўра ҳам иккига ажратади. Биринчи тип эртақ воқелигининг ички талабидан келиб чиқишини, иккинчиси эса ҳеч бир мантиска бўйсунмайдиган ҳолатларда кузатилишини айтиб ўтади. Аynи пайтда эртақларни ижро шакли ва усулига қўра ҳам тавсифлайди. Бир хил қурилишда сузлар маълум оҳанги ва бадиий қийматига эътибор қаратилади. Умуман олганда, ҳар бир намуна ўзига хос қурилишга эгаллиги билан ажралиб туради ва уларни бирлаштирувчи умумий жиҳат такрорланувчи занжир эканлиги курсатиб ўтилади².

Кумулятив эртақлар матнида инсоният поэтик тафаккурининг илк қатламларига тегишли деб баҳоланувчи уринларнинг сақланиб келаётгани ва анъана сифатида ўзгаришсиз такрорланишига фақат ушбу қатлам, балки бу эртақлар занжири ва образлари, композицион қурилиши, ижро этилиш ва аудиторияда ҳамда замонавий ўқувчи билан боғлиқ қатор масалаларнинг урганлиши кераклигини курсатади.

Кумулятив эртақлар бу ҳилда турли-туман вариантларда келганлиги ҳам В.Я. Проппнинг бу эртақларни ягона жанр сифатида ҳукм чиқаришига имкон бермаган бўлиши ҳам мумкин. Шундай бўлишига қарамай олимнинг ушбу тадқиқоти кейинги изланишларга назарий асослардан бири бўлиб хизмат қилди. Хусусан, И.Ф. Амроян, И.И. Толстой, И.И. Крук, Н. Рошияну, В.П. Аникин, Н.М. Герасимов, Д.А. Носовларнинг тадқиқотларини келтириб ўтиш жоиз.

Хорижлик олим М. Хаавио занжирли боғланишларни битта суз ёки бутун бир жумла ва уларнинг жамланиб такрорланиши билан боғлиқлигига эътибор қаратади. У ушбу тур эртақларининг мазмунан болалар эртақларига яқинлигини таъкидлайди ҳамда кўпчилик халқлар оғзаки ижодида кумулятив эртақлар билан бир қаторда диний маросимларда келувчи намуналарда ҳам занжирли тузилишга эга матнлар мавжудлигини айтиб ўтади.

XX асрнинг бошида европа адабиётшунос ва фольклоршунослари ижодида кумулятив эртақларга кизиқиш ва уларни тадқиқ этиш борасида бир қатор кизиқарли тадқиқотларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Лекин бу

¹ Пособ Д. А. Монгольская народная кумулятивная сказка // Монголика – IX: Сб. ст. – СПб: Петербургское Востоковедение, 2010. – С. 244.

² Уша манба – С. 247.

³ Рошияну Н. Традиционные формулы сказки. – М.: Восточная литература, 1974. – 216 с.; Герасимова Н.М. Фигура медианы в русской волшебной сказке / Купсткамера. Этнографические тетради. – СПб., 1995. Вып. 8-9. – С. 241-250; Шу муаллиф. Формулы русской волшебной сказки (к проблеме стереотипности и вариативности традиционной культуры) // Советская этнография. – М., 1978. – №5. – С. 18-28.; Пособ Д. А. Монгольская народная кумулятивная сказка / Монголика – IX: Сб. ст. – СПб: Петербургское востоковедение, 2010. – С. 84-90.; Шу муаллиф. Кумуляция в сказках монгольских народов: жанровый признак или композиционный прием / Монголика – X: Сб. ст. – СПб: Петербургское востоковедение, 2013. – С. 26-32.

кизикиш маълум муддат сунгандек таассурот уйғотади ва айнан асрнинг олтмишинчи йилларидан кейин янги тулкин билан қайта уйғонганига гувоҳ бўламиз.

Бир қатор тадқиқотчилар, масалан, Н. Рошияну, Н.М. Герасимов¹ ва бошқалар эртақларга оид қўлаб стереотипли формулаларни ажратиб курсатади. Уларнинг фикрига қўра, бутун дунё эртақ фондининг «умумий жойлари» бўлиб, улар фақат белгиланган ҳолатга қўра бир-бирлари билан боғланган, яъни ҳолатлар сценарийнинг бошида, ўртасида ёки охирида урин олишади, яъни воқеликда мавжуд бўлади: формуладан фарқли уларок, сюжет занжирлари мотивацион такрорланувчанликни таъминлайди ва диққатни тортувчи семантик сегментни ҳосил қилади, уларда ўзаро такрорийлик ҳам бўлиши мумкин ва бу хусусий стереотиплар дейилади.

Фольклоршунос И.Ф. Амроян олиб борган тадқиқотлар нафақат кумулятив эртақларни ўрганишга қаратилади, балки фольклор намуналарининг асосини ташкил этадиган такрорийлик принципининг хусусиятларини ёритишга катта эътибор қаратади. Олиманинг фикрига қўра, кумуляция бу такрорий тузилишга асосланган структуранинг бир тури бўлиб, фақат матннинг таркибий қисми сифатида изоҳланиш мумкин. Кетма-кет боғланиш бу универсал усуллардан бўлиб, матн тузилишининг барча босқичларига ва халқ оғзаки ижодининг турли жанрларига ҳосидир.

Дастлабки бобнинг «**Кумулятив эртақларнинг ўрганилиши масалалари**» деб номланган иккинчи фаслида ўзбек ва инглиз кумулятив эртақларининг фольклоршунос олимларимиз томонидан тадқиқ этилиши масалаларига эътибор қаратдик.

Ўзбек халқ эртақларини турларга ажратишда олим М. Афзалов эртақларни фантастик ва реалистик турларга бўлиб, хайвонлар ҳақидаги эртақларни фантастик эртақлар таркибига қўшиб юборса-да, бу таснифига риоя қилмай хайвонлар ҳақидаги эртақларни алоҳида ўрганади ва шу залда ўзбек халқ эртақларининг уч ички хилга эғалигини эътироф этади ва уларни: хайвонлар ҳақидаги эртақлар; сеҳрли-фантастик эртақлар; ҳаётий-сатирик эртақлар тарзида ифодалайди².

К. Имомов ўзбек халқ эртақларини сеҳрли ва ҳаётий сингари икки турга бўлиб, хайвонлар ҳақидаги эртақларни сеҳрли эртақлар асосида ўрганишни тавсия этади. Уз навбатида, ҳаётий эртақларни ҳам жангнома типидagi, ишкий-саргузашт типидagi ва ҳажвий каби уч ички хилини фарқлаб курсатади³. Фольклоршунос олим М. Жураев эса ўз тадқиқотида ўзбек эртақларидаги сеҳрли рақамларни атрофлича таҳлил этади⁴. С. Жумаева ва З. Усмоновларнинг тадқиқотлари ўзбек халқ эртақлари силсиласида хайвонлар ҳақидаги эртақлар алоҳида гуруҳни ташкил этишини, шунингдек,

¹ Рошияну Н. Традиционные формулы сказки. – М.: Восточная литература, 1974. – С. 9. Герасимова Н.М. Фигура медведицы в русской волшебной сказке / Кунсткамера. Этнографические тетради. – СПб., 1995. Вып. 8-9. – С. 241-250.

² Афзалов М. Ўзбек халқ эртақлари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1964. – Б. 21.

³ Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 149-156.

⁴ Жураев М. Ўзбек халқ эртақларида “сеҳрли” рақамлар. – Тошкент: Фан, 1991. – 152 б.

новеллистик эртактлар ҳам талайгина эканлигини тасдиқлашади¹. Ана шу мулоҳазаларга таяниб, ҳозирда Ўзбек эртактларининг уч турини фарқли урганилиб келмоқда.

Ўзбекистонлик ва германиялик олимлар ҳамкорлигида юзага келган «Ўзбек сеҳрли эртактлар каталоги»и келгусида ўзбек эртактларини киёсий аспектда урганиш уфқларини янада кенгайтиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек фольклоршунослиги кумулятив эртактларга XX асрнинг сунги, асосан XXI аср аввалидагина эътибор қаратди. Бу пайтгача улар ҳайвонлар ҳақидаги эртактлар қаторида урганилиб келди ва алоҳида тадқиқотларга объект бўлган эмас. Ҳатто эртактларга бағишланган тадқиқотларда кумулятив ёки занжирли қурилма атамаларини ҳам учратмаймиз. Аммо бевоқиф кумулятив эртакт таҳлил этилган мақола мавжуд. У ҳам бўлса фольклоршунос А. Мусақуловнинг «Уч эчки эртаги ҳақида» мақоласидир. Мақолада «Уч эчки» эртагининг ижроси, тузилиши ҳусусида кимматли фикрларни ўқиймиз, зеро муаллиф кумулятив атамани қўлламаган бўлса-да, эртактнинг ижро жараёнига, баён шакли, эртақчи ва тингловчи муносабати каби эртақшуносликнинг асл назарий муаммоларига диққат қаратар экан, кумулятив эртакт табиатини ҳам тадқиқ этиб ўтади.

А. Мусақулов эртактнинг насрий ва шеърий қисмлардан тузилганлигига, ўзига хос баён этилиши жараёнига эғалигига, агар болалар тезда ухлайвермаса, эртақтаги эчкилар сони ўнtagача этиб, эртакт анча чўзилишига, болаларнинг уйқуси келса, уч эчки ҳам қифоя қилиб, эчкилар миқдори учдан камайтирилмаслигига диққат қаратади. Бунинг сабабини сураганимда айтувчининг: «бувимлар ҳам шундай айтар эди», деб жавоб берганини «анъананинг ўзига хос бир қўрниниши» сифатида баҳолайди.

Фольклоршунос А. Мусақуловнинг «Уч эчки эртаги ҳақида» мақоласи ва ёзиб олган эртаги ўзининг илмий, маърифий аҳамиятини янги тадқиқотларда янада очиши тайин. Тадқиқотчи ноёб эртақни ёзиб олиш баробарида эртақчи, эртакт айтиш тартиби, тингловчи аудиторияси ва эртактнинг тингловчи талабига қўра ижро шаклини олиши билан боғлиқ ниҳоятда кимматли фактларни ҳам авлодларга мерос сифатида ёзиб қолдирган.

Фольклоршунос Шомирза Турдимов «Тухумбой билан Буйракбой», «Кумурска полвон», «Қўнғиз бикач», «Тулки» каби кумулятив эртактларни нашр этиш баробарида «Тухумбой билан Буйракбой» эртаги ҳақида мақолани ҳам ёзган қилган. Олим аввало кумулятив эртактларнинг семантикасига эътибор қилади.

Тадқиқотимизда Ж. Эшонқулов, Н. Собирова каби олимларнинг изланишларига суянган ҳолда кумулятив эртактларнинг ҳар бирида бугунги авлод вақиллари учун деярли унутилган рамзий ва тимсолий маънолар

¹ Жумаева С.С. Ҳайвонлар ҳақидаги эртактларнинг генетик асоси ва спецификаси: филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 29 б.

– Keller G., Rachimov Ch., Juraev M. – Typenkatalog Usbekischer Zaubermarken (Klassifizierung mit Kommentaren). Band I-II – Freiburg: Vorabdruck, 2018. – 795 s.

яширин турганлигига эътибор қаратиб, бу маънолар қатламини очишга ҳаракат қилдик.

Инглиз кумулятив эртакларининг тадқиқи масаласи ҳамиша долзарб масалалардан бири бўлиб келганлигига қарамай умумий эртаклар фонди материалларига киёслаганда бироз кам диққат қилингандай тасаввур уйғотади. Хусусан, профессор Кармен Милагрос Торреснинг бу борадаги қарашлари диққатга сазовор. Унинг фикрига қўра, инглиз кумулятив эртакларининг қуйидаги хусусиятлари алоҳида эътиборга молик. Кумулятив эртаклар алоҳида ритмга ва такрорланишга асосланган кичик сюжетга эга ҳикоялардан иборат бўлади. Бу уринда «ҳикоя» атамасини кенг маънода ифода усули маъносига қабул қилиш керак бўлади.

Кумулятив эртаклардаги ҳайвон персонажлар инсонларнинг ҳаётий хатти-ҳаракатлари гавдалантириб, бу тур эртаклар одатда сабоқ, панд-насихат беради. Одамнинг феъл-атвори ҳайвон характерида гавдалантирилади. Айни фикрни ўзбек кумулятив эртаклари мисолида ҳам тасдиқлашимиз мумкин бўлади.

Инглиз кумулятив эртакларининг салмоқли қисмида сеҳр йўқ эканлиги ҳам таъкидланади. Бу ҳил қуриниш инглиз кумулятив эртакларининг узига ҳос жиҳатини намоён этади. Бунга мисол қилиб ишимизда «Three little pigs – Уч кичик чўчка» номли инглиз кумулятив эртакларини таҳлилга тортдик.

Фольклоршунос Ж. Шерман «Мифология ва фольклор энциклопедияси»² асарида кумулятив эртакларнинг занжирли ҳалқасимон шаклига алоҳида тўхталиб, занжир ечилиши, ҳалқа орқага қайтарилиши, ҳар бир такрорланиш орқасидан янги элемент қўшилишидан ҳосил буладиган эртак сюжети кумулятив эртакларнинг асосини ташкил этишини айтиб ўтган. Ушбу эртакларнинг ритмик тузилиши, айниқса болалар аудиториясига жуда моёлигига ва инглиз тилли халқлар уртасида «This Is the House That Jack Built - Бу Жек қурган уй», «Old Lady Who Swallowed a Fly - Чивин ютган кампир» каби шеърӣ қофияга асосланган кумулятив эртаклар кенг тарқалганлигига ургу бериб ўтган.

С. Томпсон «The Folktales» («Халқ эртаклари») китобида кумулятив эртакларнинг узига ҳос хусусиятини уларнинг ўйин табиатини ақс эттиришида ва қанча тарихий босқич ва турли туман маданий муҳитлар чиғиригидан ўтса ҳам ўз шаклини сақлаб қолган эртаклар деб билади. Унга қўра асосий кумулятив эртаклар тузилиши оддий бўлиб, бир қанча кичик воқеалар жамламаси узун бўлиб тизилган, эртак сюжети деталлари персонажлар уртасида мулоқотни ривожлантирган.

Инглиз кумулятив эртакларининг ушбу қиска таҳлилининг ўзи ҳам бу тур эртакларнинг кенг миқёсда тадқиқ этиш кераклигини қўрсатади. Айниқса, бир-биридан ҳудудий, этник, тил, дин нуктаи назаридан узок

¹ Carmen Milagros Torres Traditional Tales: History and Genre Centro de Competencias de la Comunicacion – Puerto Rico: University of Puerto Rico at Humacao, 2003. – P. 2-4. www.yumpu.com.

² Joseph Sherman Storytelling: an encyclopedia of mythology and folklore. – New York, 2008. – P 104

³ Thompson S. The folktale. – New York: The Dryden press, 1946. – P. 230.

булган инглиз ва ўзбек кумулятив эртақларининг киёсий тадқиқи фан учун қутилмаган илмий-назарий хулосалар чиқаришга имкон туғдиради.

Умуман олганда, ўзбек кумулятив эртақларини дунё кумулятив эртақлари кесимида, хусусан инглиз кумулятив эртақлари билан киёсий планда ўрганилиши, ушбу эртақларнинг инсоният бадий тафаккури ривожини ва унинг мифологик тафаккур босқичидан мифопоэтик тафаккур ва ниҳоят поэтик тафаккурга тадрижий ўсишини типологик ва миллий ўзига хослик кесимларида курсатиб бериш, муҳим назарий хулосаларга келиш учун асос вазифасини ўтайди.

«Ўзбек ва инглиз кумулятив эртақларининг етакчи хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобнинг илк фаслида ўзбек кумулятив эртақлари тавсифига эътибор қаратилади.

Кумулятив эртақлар нафақат ўзбек, балки дунё халқлари эртақлари фондида алоҳида ўрин тутади ва инсоният онгида пайдо булган мифопоэтик тафаккур маҳсули сифатида баҳоланади. Қарийб бир асрга яқин вақт оралиғида амалга оширилган ўзбек халқ эртақларининг турли-туман нашрларига назар ташлайдиган булсак, уларнинг барчасида кумулятив эртақ намуналарини учратамиз. Аммо бу намуналар алоҳида жамланиб, бир тизимда қаратилиб чоп этилган эмас. Шу сабабли биз ишда бу хил эртақларни ажратиб, умумий рўйхатини шакллантирдик. Тартиб берилаётган рўйхатимиз мукамалликка даъво қилмайди, лекин ушбу санокнинг ўзи ҳам кумулятив эртақларнинг умум ўзбек эртақлари фондидаги мавқеи салмоқли эканлигини курсатади.

Кумулятив эртақларнинг таҳлилий тадқиқи давомида уларга хос қуйидаги хусусиятларни алоҳида ажратиб санаш мумкин:

1. Кумулятив эртақлар тузилишининг занжирли қўринишга эга эканлиги. Кумулятив эртақлар композициясида бир ҳаракатнинг кетма-кет кўп бора такрорланиши муҳим ўрин тутади. Бунда эртақ образлари ўртасидаги суҳбат, ҳаракатлар такрорланади. Бу ўзига хос такрор эртақ композициясининг асосини ташкил этади. Такрорлар эртақ қахрамонлари томонидан амалга оширилувчи ҳатти-ҳаракатларни ихчам, лўнда ифодалаб беришнинг ўзига хос ифода шакли бўлиб юзага келади.

2. Эртақ қахрамонларининг ҳайвонлар, турли предмет ва нарсалардан иборатлиги. Кумулятив эртақларда тухум, буйрак, қарға, улоқ, бия, туя, қатлама, тулки, бури, йўлбарс, қарсок, алқар, кирговул, булут, қуёш, ўт-улан, тоғ, шамол, кумурска, эшак, хўроз билан бир қаторда одамлар ҳам иштирок этади ва уларнинг барчаси бир замону бир маконда эртақ мантиғи доирасида ҳаракат қилади.

3. Эртақ матнида формула шаклини олган савол-жавобларнинг мўҳим ўрин тутishi. Барча кумулятив эртақлар қурилишидаги занжир савол-жавобларга қурилади. Бу хил савол-жавоблардаги формулавий шакл баъзи бир сеҳрли-фантастик эртақлар таркибида ҳам учрайди. Аммо улар яхлит эртақ композициясини ташкил этмайди ва жузъий характер касб этади. Лекин ифоданинг шакли эртақнинг қадимий архаик формасига тегишли эканлиги билан диққатни тортади.

4. Матн таркибида шеърини қисмларининг алоҳида ўринга эгаллиги. Кумулятив эртақларнинг аксарият қисмида қахрамонлар диалогини шеърини

парчалар келади. Умуман, ўзбек халқ эртақларида шеърӣ парчалар мавжуд намуналарнинг аксарият қисми кумулятив эртақлар ҳисобиға тўғри келади.

5. *Эртақ композицияси бошлама, занжирли тавсиф ва хотимадан ташкил топиши*. В.Я. Пропп кумулятив эртақлар структурасини уч қисмдан – экспозиция, кумуляция (занжир) ва финалдан ташкил топишини кўрсатган эди¹. Бошқача қилиб айтганда, кумулятив эртақлар сюжети бошлама занжир (кумуляция) ва яқундан ташкил топади.

6. *Мажозилик ва рамзийлиқнинг устувор қуриниши олиши*. Болалар фольклори намуналари оғзаки ижоднинг энг қўхна, теран маъно қатламларға эға хазина, уларни шунчаки болалар қўшиғи, айтими, уйини, эртағи деб қараш тадқиқотчини адаштиради. Ақсинча, кўплаб жанрлар ибтидоси, халқимизнинг мифологик дунёқарашлари, тафаккур иқлимларининг жавҳарини ана шу хазинадан топиш имкони мавжуд. Кумулятив эртақларда ҳар бир деталь рамзий маъно ифодалаб, мажозийлик қашф этади.

7. *Шартлиликнинг асосий усул сифатида намоён бўлиши*. Шартлилик б̄рча санъат намуналари, хусусан фольклор асарларини қабул қилиш, англаш ва талқин этишда муҳим урин тутади. Шу сабабли барча кумулятив эртақлар шартли қабул қилинади, англанади, шартлиликсиз бу эртақларнинг моҳиятини англаб бўлмайди.

Мазкур бобнинг «**Инглиз халқ кумулятив эртақларининг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган фаслида эса инглиз кумулятив эртақлари ҳам структуравий жиҳатдан ўзига хос аҳамият қасб этишини тадқиқ этдик. Инглиз халқ эртақлари неча асрлик тарихий маданияти ва анъаналарини, маънавий турмуш тарзини ўзида ақс эттириб қелган, ўзининг лингвокультурологик хусусиятлари билан бошқа халқ эртақларидан ажралиб турувчи инглиз фольклорининг бир бўлагидир.

Инглиз халқ фольклорини кумулятив эртақлар уч элементдан иборат: талаб, низоларнинг ривожланиши ва кульминация. Бундай ижод маҳсулларида яқун йўқ бўлиши ва кульминация билан қоришиб қетиши мумкин, яъни охириги жумлада кескинлик пасайишида намоён бўлади. Сюжет асосини ташкил этган ва кульминацияға қаратилган асос турли хил ривожланиш, ортиб бориш ёки тесқари тартибда қайтишининг уйғунлашувидан ташкил топади.

Инглиз кумулятив эртақлари сони жиҳатдан бошқа эртақларға қараганда жуда кўпчилиқни ташкил қилмайди. Н.П. Андреев тадқиқотлари эса рус халқ эртақларининг 60% – маънавий эртақлар, 30% – сеҳрли эртақлар, 10% эса ҳайвонлар тўғрисидағи ва кумулятив эртақлардан иборатлиқини кўрсатади². Н.А. Ақименко инглиз фольклорини Кирил Артур хақидағи афсоналар 40,43%, сеҳрли эртақлар 34,89%, афсоналар 13,19%, достонлар (Беовульф) 3,83 %, маънавий эртақлар 2,87%, латифалар 2,45%, кумулятив эртақлар 1,17%

¹ Ушна манба. – Ъ.244.

² Намычкина Г. В. Роль нарастания и спада в композиции английских сказок, построенных на основе панизвания // Вестник Вятского государственного университета – Киров, 2011. – №3 – С 83

³ Андреев Н.П. К обзору русских сказочных сюжетов / Художественный фольклор – М.: Работник просвещения. 1927 – С 59-70.

ва хайвонлар хақидаги эртақлар улуши 1,17 % дан иборатлигини кўрсатади¹.

Инглиз кумулятив эртақлари сифатида қуйидаги эртақларни мисол қилиб олишимиз мумкин: «Henny-Penny» («Говуквой»)², «Mouse and Mouser» («Сичкон ва мушук»), «Teeny-Tiny» («Митти хоним»)³, «Titty Mouse and Tatty Mouse» («Титти ва Татти Сичкон»), «The Cat and the Mouse» («Мушук ва Сичкон»)⁴, «The Little Red Hen and the Grain of Wheat» («Кичкина кизил товуқ ва бугдой дони»)⁵, «The Old Woman and her Pig» («Кекса аёл ва унинг чўчкаси»)⁶, «The Strange Visitor» («Нотаниш меҳмон»), «The wee, wee Mannie» («Митти Манни»)⁷, «Scrapfoot» («Тирналган оёқ»)⁸, «The story of the three Bears» («Уч айик эртаги»), «Johnny Cake» («Жонни бугирсок»), «How Jack went to seek his fortune» («Жэк ўз бахтини қандай топди»), «The Bull, The Tur, The Cock and the Steg» («Бука, стол, хўроз ва таёқ»), «The three little pigs» («Уч кичик чўчка»)⁹.

Кумулятив структурага эга эртақлар асосан сюжет ривожини турли такрорланиш ва боғланишлардан иборат бўлиб, баъзан савол-жавобли, шеърый, матнли тузилишда бўлади. Бу тур эртақларнинг яна бир жиҳати уларда боғланишлар занжирини ҳосил қилишидир.

Айрим кумулятив турга киритилган эртақларда ҳар доим ҳам соф кумулятив структура учрамастлиги мумкин. уларда турли такрорланишларни бириктирадиган боғланишлар аралашиб келиши мумкин. Мисол учун, «Johnny Cake – Жонни бугирсок», инглиз кумулятив эртаги мазмуни ва вариантчилиги жиҳатидан ўзбек халқининг «Тулки билан Бури» эртаги билан ўхшаш, иккала вариант сюжетларида зинама-зина боғланиш ва шеърый тарздаги баёнида эса кумулятив элементлар тўлиқ сакланган. Бу эртақнинг бош персонажлари an old man and an old woman чол-кампир, Johnny Cake – Жонни бугирсок, a little boy – кичик бола.

Ёрдамчи персонажлар эса two well diggers – икки қудук казувчи, two ditch diggers – икки ўра казувчи, a bear – айик, a wolf – бури, a fox – тулки.

Бу эртақда такрорийликлар бугирсокнинг ҳаракатлари билан боғланган; бугирсокнинг учрашуви уша персонаж билан тугагини, лекин янги бир

¹ Акименко Н.А. Лингвокультурные характеристики англосаксонского сказочного дискурса – Олеста: Изд-во Калм. ун-та, 2013. – С. 39.

² Halliwell J.O. Popular Rhymes and Nursery Tales: A Sequel to the Nursery Rhymes of England. I. John Russel Smith. 1849 – P. 29.

³ Уша манба – Б.25.

⁴ Уша манба – Б.33.

⁵ Folklore and Mythology Electronic Texts / Ashliman D. L. University of Pittsburg, 1996-2003. <https://www.pitt.edu/~dash/ashliman.html>; The fairy tale treasury / Briggs, Raymond. Selected by Virginia Haviland. – London. Hamilton, 1972. – 190 p.

⁶ English fairy tales / Collected by Joseph Jacobs. Illustrated by John D. Batten – London. 1890. – P.20; Folklore and Mythology Electronic Texts / Ashliman D. L. University of Pittsburg; 1996-2003. <https://www.pitt.edu/~dash/ashliman.html>; The fairy tale treasury / Briggs, Raymond. Selected by Virginia Haviland. London. Hamilton, 1972. – 190 p.

⁷ Folklore and Mythology Electronic Texts / Ashliman D. L. University of Pittsburg; 1996-2003. <https://www.pitt.edu/~dash/ashliman.html>

⁸ English fairy tales / Selected and arranged by L. Kellner. – Lpz., 1917.–170 p

⁹ English fairy tales / Collected by Joseph Jacobs. Illustrated by John D. Batten – London. 1890. – P.93, 155, 24, 206, 68.

персонаж билан давом этишини таъкидлаш муҳим ва куйидаги формулада акс этган: $A+B \rightarrow A+C \rightarrow A+D \rightarrow A+E \rightarrow A+F \rightarrow A+G \rightarrow A+H \rightarrow A+I \leftarrow I$

В.Я. Пропп занжирли боғланишни $A+B+B+C+C+D+D+E+E+F$ қуринишда ифодалаган¹. Инглиз эртақларида персонажларнинг барча турлари ўзларининг ирода ва истакларини ифода этиш, юксак ижтимоий ривожланиш даражасидаги шахсга хос булган ҳаракатлар қилиш учун антропоморфик қобилиятга эга.

«Titty Mouse and Tatty Mouse – Титти ва Татти Сичкон» эртагида жонсиз нарсалар билан кечадиган ҳодисаларда шахсга хос булган ҳаракатларни кузатишимиз мумкин. «Titty Mouse and Tatty Mouse» эртагида занжирли боғланиш В.Я Пропп ифодалаган тарзда рўй беради. Бу эртақнинг асосий персонажи Titty ва Tatty номли сичконлар булиб, the stool – курси, the broom – супурги, the door – эшик, the window – дераза, an old form – эски уриндик, a fine large walnut tree – ажойиб катта ёнғоқ дарахти, a little bird – кичкина қушча, a little girl – кичкина қизча ва an old man – кекса киши эса ёрдамчи персонажлардир.

Занжирли боғланиш сичкон билан бошланиб, персонажлар ўртасида давом этади.

$A+B \rightarrow B+C \rightarrow C+D \rightarrow D+E \rightarrow E+F \rightarrow F+G \rightarrow G+H \rightarrow H+I \rightarrow I+J \rightarrow J+K \leftarrow A$

Tatty Mouse+the stool → the stool + the broom → the broom + the door → the door + the window → the window + an old form → an old form + a walnut tree → a walnut tree + a little bird → a little bird + a little girl → a little girl + an old man ← Tatty Mouse

Эртақ якуни тесқари бурилишни ҳосил қилгандек, яъни кекса киши нарвондан йикилиб тушиб, буйинини синдиради, ёнғоқ силкинаверганидан гурсиллаб эски уриндик ва уйнинг устига ағдарилиб кетади. Дераза эшикка урилади, эшик супургининг устига ағдарилиб тушиб, супурги курсига бориб урилади. Кичкина бечора Tatty сичкон вайроналар ичида қумилиб кетади. Эртақ якунининг тесқари тартибини қуйидагича тузилишда тасвирлаш мумкин.

$K \rightarrow H \rightarrow G \rightarrow F \rightarrow E \rightarrow D \rightarrow C \rightarrow B \rightarrow A$

An Old Man → a walnut tree fell and upset → the old form and the house → the house falling knocked the the window out → the window knocked the door down → the door upset the broom → the broom upset the stool → Tatty Mouse was buried beneath the ruins.

Асосий жиҳати шундан иборатки, ушбу эртақ матнида тесқари занжир ҳосил қилишда баъзи персонажлар иштирок этмаган. Эртақлар оғиздан-оғизга утиб, сайқал тонган ҳолда авлоддан-авлодга етказилар экан, бу жараёнда улар сюжетидаги айрим мотивлар, образлар тушиб қолиши ёки аксинча қупайиб бориши табиий. Эртақ асосида ишлаб чиқилган формулада эртақнинг тесқари занжирида таъкидланмаган кичкина қизча ва кичкина қушча иштироки мавжуд эмас.

Соф кумулятив структурага эга эртақларнинг асосий хусусияти бу эртақ ривожиди персонажларнинг ортиши ва улар ўртасидаги хатти-ҳаракат ёки суҳбатнинг такрорийлигидир.

¹ Пропп В.Я. Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976. – С. 249.

Биз ишимизда кумулятив структура эга ўзбек ва инглиз эртақларнинг тузилиш жиҳатини ўрганишнинг амалий аҳамияти бекиёс бўлиб, ушбу тур эртақларини нафақат фольклор тадқиқотлари учун, балки тилшунослик нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эга эканини тадқиқ этдик.

Тадқиқотнинг «**Кумулятив эртақлардаги асосий мотивлар ва бадний талқин масалалари**» деб номланган сунгги бобининг илк фасли «**Кумулятив эртақлардаги мотивлар талқини**»га бағишланган.

Фольклоршунос олимлар бутунни билиш учун уни юзга келтирувчи қисмлари билеш зарур, деган фикрни илгари суришади¹. Дарҳақиқат, фольклор асарлари ҳақида маълум бир тасаввурга эга бўлиш учун, у тарқиб топган бўлақларни ўрганиш зарур бўлади. Кумулятив эртақлар узига хос хусусиятга эга экан, у қандай мотивлардан ташкил топган саволнинг туғилиши, табиий албатта. Бу тур эртақларнинг фарқли жиҳати улардаги такрорийликлар, уларнинг занжирли боғланиши ва эртақ персонажларининг сон ва ҳажм жиҳатдан ортиб бориши каби хусусиятлардан иборатлигидир.

Эртақларда эпик замон ноаник, воқеа ва ходисалар ўтган замонда, бир вақтнинг ўзида содир бўлади. Замон ва макон ҳаёлий, у ёки бу ҳайвон ҳаёти, муносабатида, воқеа ва ходисалар давомийлигида кечади. Инглиз кумулятив эртақларида персонажлар кўплиги ёки икки персонаж ўртасидаги воқеаларнинг сони кўпликдан иборат бўлиб, улардаги воқеа-ходисалар шەърий, суҳбат, савол-жавоб кўринишида баён этилиши ва персонажлар ўртасида тортишув ёки суҳбатларнинг қисқа ритмик бўлиши функциясини бошқа тур эртақларида учратиб бўлмайди. Уларнинг бир қисми ҳайвонларнинг одатий номланиши билан бир вақтнинг ўзида бош ҳарфлар билан белгиланган: the Mouse, the Duck, the Cat (сичқон, урдак, мушук) номлари билан кўрсатилади. Кумулятив эртақларнинг одатий персонажларига жонсиз нарсалар ҳам қиради: the stick, the fire, the rope (таёқ, олов, арқон). Муъжиза ҳақиқий олам ва эртақлар олами бирлашмасида юзага келади. Инсон персонажлари шуғулланадиган касб-кори, ёши, ташки кўринишининг хусусиятларидан келиб чиқиб номланган; a farmer – фермер, a baker – нонвой, the old man – қария, the old woman – кекса кампир, a well – digger – қудук қазувчи, a ditch-digger –ўра қазувчи, a butcher – қассоб, a shoe maker – этикдуз.

«The story of the three Bears – Уч айик эртаги»² инглиз кумулятив эртагининг уч варианты мавжуд бўлиб, биринчи вариантда айикнинг уйига тилларанг жингалак сочли кизча келади, иккинчисида кичкина ичқора кампир келади, учинчисида тулки келади. Ўзбек ва инглиз кумулятив эртақларида ҳам ухшаш сюжетлар мавжуд. Ухшаш сюжет акс этган инглиз халқ кумулятив эртаги «Titty Mouse and Tatty Mouse » ва «Бит ўлди, бурга азадор бўлди» номли ўзбек халқ кумулятив эртаги мисолида қуришимиз мумкин. Персонажларнинг барча турлари уларининг ирода ва истакларини ифода этиш, юксак ижтимоий ривожланиш даражасидаги шахсга хос бўлган ҳаракатлар қилиш учун антропоморфик қобилятга эга.

¹ Эпнокүл Ж. Миф ва бадний гафаккур. –Тошкент: Фан, 2019. – 5, 120.

² English fairy tales / Collected by Joseph Jacobs. Illustrated by John D. Batten – London. 1890. – P. 93.

Ўзбек кумулятив эртақларининг нодир намунаси булган «Қарға билан кузи», «Чивинбой», «Оч бури» эртағидаги сюжетлар такрорийлиги, «The Cat and the Mouse – Мушук ва Сичкон», «A Grain of Corn – Бугдой дони», «The Old Woman and her Pig – Кампир ва унинг чучкаси», «The Wee, Wee Mannie – Митти Манни» каби англиз кумулятив эртақларига структуравий ва сюжет ухшашликлар жиҳатдан жуда яқин. Ушбу эртақларда бош персонаж борадиган жой ва учрашадиган персонажлар узғариб, сони ортиб боради ва шу билан бирга такрорийлик акс этган ҳолда занжирли боғланишни ҳосил қилади. Эртақлардаги воқеа-ҳодисалар тез ривожланиш билан кечади. Асосий хусусияти аниқ ва тулик савол жавоблар табиий ҳодисаларнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқ эканини исботлайди.

«Қарға билан кузи» эртағида қарға кузичокни емоқчи бўлади. Кузичок: «Тумшугинг ҳаром, сувга чайқаб кел!» – дейди.

Эртақ воқеалари қарғанинг сув, кулол, тупрок, кийик, този, сигир сути, курук ут, урок, кумир олиш мақсадида савол-жавоби тарзда занжирли боғланиб кетади. Боғланишларга эътибор берсак, сув олиш учун куза керак, куза ясаш учун тупрок, тупрок казиш учун кийик шоҳи, кийик учун ут ва хоказо. Эртақдаги занжирли боғланиш ҳаётдаги умумий боғланишни кўрсатиш билан бирга эртақда композицион яхлитликни ҳам таъминлаган. Кумулятив эртақлар композицион тизимига назар ташласак, бир-бирдан услуб, сўз қатламлар катори ва ижро этиш шакллари билан ажралиб туради.

«The Cat and the Mouse – Мушук ва Сичкон», «A Grain of Corn – Бугдой дони», «The Old Woman and her Pig – Кампир ва унинг чучкаси», «The Wee, Wee Mannie – Митти Манни» каби англиз кумулятив эртақларида тескари тартибда занжир бузилмасдан тугун ечилади.

Эртақдаги ҳаракатларнинг ортиб бориши градация усули орқали амалга ошийд, занжирсимон параллел қурилмалар, бўлиб ўтган воқеалар тартиби ва янги персонажнинг пайдо бўлиши билан характерланади. Ҳаракатлар тескари тартибда амалга оширилади, бу янги мавзунинг бошланишини, иккинчи ҳодиса сериясини сузма-суз такрорлаш билан боғлиқлигини кўрсатади.

Кумулятив эртақ сюжетларидаги кумуляция, такрорийликлар катори ва сюжет занжирлари кенгайиши эртақлар матнини яратиш тамойилларидан бири бўлиб келган. Кумулятив эртақларда ухшаш сюжетлар кўп бўлиб, уларни киёсий урганиш нафақат бу икки халқ оғзаки ижод меросини, балки жаҳон халқлари фольклор намуналари фондида ҳам ухшашликлар мавжудлиги, бу ухшашликлар эса инсоният тарихий тараккиёт давомида деярли бир хил вазиятлардан утиб келганлигини кўрсатиб беради.

Ўзбек ва англиз кумулятив эртақларидаги ухшаш сюжетларни урганиш эртақ жанрининг юзага келиши, тараккий тараккиёти борасида маълум ҳулосаларга келишда аҳамият касб этади.

Учинчи бобнинг сунгги фасли «**Кумулятив эртақларнинг бадияяти талқини**» деб номланиб, унда кумулятив эртақларнинг бадияяти билан боғлиқ масалалар таҳлилга торғилди.

Фольклор жанрларини аниқлаш, ойдинлаштиришда асосан уч белгига асосланилади: улар жанр поэтикаси, ҳаётий-маиший функцияси, ижро услубидир. Эртақ мустақил жанр сифатида ҳаёлий ва ҳаётий бадийий туқима, барқарор сюжети, композицияси, донмий такрорланувчи мотив ва образлар

тизими, бадний услуги ва ижтимоий-эстетик функцияси билан ажралиб туради.

Кумулятив эртақларда мотивлар узига хос тарзда намоён бўлади. Бу узига хослик мотив биргина жумла орқали амалга ошса, иккинчи ўзига хослик бу образларнинг, мотивларнинг, сўз ва бирикмаларнинг, шеърин мисраларнинг бир эртақ давомида такрорланиб келишидир. Кузатув ва кийёсий урганиш тахлиллари шуни кўрсатадики, эртақларнинг анъанавий кириш билан бошланиши жаҳондаги барча халқлар эртақчилиги учун муштарак хусусият ҳисобланади.

Эртақ киришининг вазифаси тингловчи эътиборини жалб қилишдан ташқари, сюжет табиатига мос тушадиган ҳаёлий фон яратиш ҳамда эртақ тингловчилар уртасида кутаринки ва хурсандчилик кайфиятларини ҳосил қилиш каби эстетик вазифаларни ҳам бажаради.

Ўзбек эртақларида муқаддима нисбатан кенгрок, инглиз кумулятив эртақларида эса кириш жуда қисқа тарзда берилгани ва бошлама билан қоришиб кетганлигини кўришимиз мумкин. Эртақ бошламалари кўринишига кўра узун ёки қисқа бўлиб, воқеа-ҳодисаларнинг келажак ўрни ва вақти ҳақида ноаниқ, умумий маълумот беради. Баъзан бошлама эртақ воқелиги билан қўшиб юборилиши ҳам кузатилади. Бундай ҳолатдаги бошламалар эртақдаги воқеалар ривожининг тезлашишига ва кескинлашувига, зиддиятларнинг кучайишига замин ҳозирлайди.

Бошлама экспозиция эмас, балки унга – экспозицияга йўл очади, урин беради. Экспозиция эса бевосита асарнинг тугуни билан алоқадор. Сюжет чизигини ташкил этувчи ҳодисалар ҳаракати, конфликт ва воқеалар ривожини экспозициядан бошланади.

«Тухумбой билан Буйраквой» эртағида шарт-тақик мотиви 7 марта, «Уч эчки» эртағида шарт 7 марта, «Ойжамол билан кал» эртағида синов 5 марта, «Кампир ва унинг чўчкаси» эртағида кумак 8 марта, «Жэк ўз бахтига қандай эришди» эртағида эса сафар мотиви 7 марта такрорланиб келади.

Ўзбек кумулятив эртақларида кумулятив ва занжирли боғланишларда акс этган композицияларни учратишимиз мумкин. Кумулятивлик ортиб бориш ёки қамайиб бориш принципини ўзида саклайди. Шу билан бирга мантикийлик ҳам муҳим бўлиб, савол-жавобли боғланишларда буни кузатиш мумкин. «Қумурска» номли ўзбек халқ эртағи савол жавоб тарзида тузилган занжирли эртақ ҳисобланади.

Кумулятив эртақларга хос бўлган шарт мотиви ҳар бир эртақ матнида узига хос тарзда намоён бўлади. «Тухумбой билан Буйраквой» ва «Уч эчки» эртағида шарт-тақик, «Ойжамол билан кал» эртағида шарт-синов, «Кампир ва унинг чўчкаси» эртағида шарт-қелишув, «Уч кичик чўчкача» эртағида шарт-талаб сифатида келади.

Кумулятив эртақларнинг аксариятида одам, хайвонлар, қушлар, жониворлар билан бир қаторда, буюм, ашёлар ҳам иштирок этади. Бу буюм ва ашёлар ҳар бир матнда узига хос маънога эга бўлиш билан бирга, бошқа персонажлар билан бирга эртақда умумий яхлитликни таъминлашга хизмат қилади. «Уч эчки» эртағида қозон, кубини, «Тухумбой билан Буйраквой» эртағида капир, «Бит ўлди – бурга аздор бўлди» эртағида тарик, «Ойжамол билан кал» эртағида тутун ва булут, шамол ва чирок, бешик, «Кампир ва

унинг чўчкаси» эртагида танга, «Митти хоним» эртагида шляпа ана шундай вазифа бажариб келади.

Кумулятив эртактаги образларни иккига: фаол ва нофаол персонажларга ажратиш мумкин. Фаол персонажлар матида уз нутки ва катъий харакатига эга, мотивлар комбинациясида муҳим урин тутади, эртакнинг семантик маъно катлами билан чамбарчас боғлиқ. Нафаол гуруҳдагилар эса уз нутки ва катъий харакатига эга булмаган, мотивлар шаклланишида иштирок этмайдиган персонажлар ҳисобланади.

Эртақларда кумулятив структура бадий вазифа утаб, ҳар бир халқ эртақлари мисолида уларни киёсий урганиш узига хос жанр жиҳатларни кенг ёритишга имконият яратади. Ўзбек халқ кумулятив эртақларида биз ранг-барангликни учратишимиз мумкин. Шу билан бирга занжирли боғланиш, такрорийликнинг устуңлиги ўзбек халқ кумулятив эртақларида сезиларли даражада юкори. Кумулятив эртақларнинг асосий жиҳатларидан бири сифатида таъкидланган унинг қисқа, ритмик оҳанг билан айтилиши ёки сюжетдаги такрорийлик ва ундаги шеърий парча ёки савол-жавобли такрорийликлар эртақ тингловчиларни тулалигича узига жалб этишдир. Шу маънода ўзбек кумулятив эртақларида биз юкорида тилган олган кириш бошламасининг узунлиги, кизикарлилиги ва шеърий парчаларнинг куп қўлланганлиги кузатишимиз мумкин. Ўзбек кумулятив эртақлари камайиб бориш ёки усувчи принципларга асосланганлиги каби узига хос жанр хусусиятлари билан бошқа халқ эртақларидан ажралиб туради ва айнан шу жиҳатлар унинг бадийятини ҳам белгилаб беради.

ХУЛОСА

* Ўзбек ва инглиз халқ кумулятив эртақларининг киёсий-типологик тадқиқи асосида куйидаги хулосаларга келдик:

1. Фольклор жанрлари ўз структураси, сюжет ва мотивлар талқини, образлар тизими ва бадийяти билан бир-биридан фаркланиб туради. Бу фарқ уларнинг жанрий хусусиятларини ургулаб туриш билан бир каторда мазкур жанрнинг юзага келиши, тараққиёт босқичлари ва тадрижий такомилга ҳам оидинликлар киритади. Фольклоршуносликда «кумуляция» термини лотин тилидаги «*cumulare*» сузидан олинган бўлиб *тўплаш, йиғиш, жамлаш, қўчайтириш* маъноларини билдиради, занжирли қурилишга эга эртақлар турини англатади.

2. Ўзбек кумулятив эртақларининг дунё кумулятив эртақлари кесимида, хусусан инглиз кумулятив эртақлари билан киёсий планда урганилиши, ушбу эртақларнинг инсоният бадий тафаккури ривожини ва унинг мифологик тафаккур босқичидан мифопозтик тафаккур ва ниҳоят поэтик тафаккурга тадрижий ўсишини типологик ва миллий узига хослик кесимларида курсатиб бериш, муҳим назарий хулосаларга келиш учун асос вазифасини ўтайди.

3. Кумулятив эртақлар композицион жиҳатдан занжирли тузилишга эга ва бу хусусият уларни бошқа эртақлардан фарқлашда мезон вазифасини ўтайди. Эртақ қахрамонларининг хайвонлар, турли предмет ва нарсалардан, қисман одамлардан иборатлиги ҳам уларнинг узига хос белгиларидан ҳисобланади. Кумулятив эртақлар матида анъанавий формула шаклига

кирган хос савол-жавоблар муҳим ўрин тутди. Эртақлар ушбу анъанавий савол-жавоблари билан тингловчи – ижрочилар ўртасида маълум ва машҳур бўлади. Маълум бир қисм кумулятив эртақлар таркибида савол-жавобларнинг шеърӣй шаклда келиши кузатилади. Баъзи уринларда эртақнинг фақат шеърӣй қисмигина болалар қушиги қуринишида ҳам сакланиб қолиши мумкин. Айни ҳолат кумулятив эртақлар генезиси, тузилиши ва бошқа бир қатор поэтик хусусиятлари ҳақида назарий хулосалар чиқаришда муҳим факт сифатида аҳамият касб этади.

4. Эртақ композицияси бошлама, занжирли тавсиф ва хотимадан ташкил топади ҳамда эртақ мазмуни шу ўзига хос қурилиш асосида ойдинлашади. Кумулятив эртақларда мажозӣйлик, рамзӣйлик устувор қуриниш олади. Бадиӣй шартлилик асосий тасвир усули сифатида етакчи ўрин эгаллайди. Бу хусусиятлар нафақат ўзбек, балки дунё халқлари кумулятив эртақларига бирдек тегишли бўлиб, универсал характер касб этади.

5. Инглиз халқ эртақлари ҳам бошқа халқлар эртақлари каби ўзига хос жанр хусусиятларига эгаллиги билан ажралиб туради. Инглиз халқ эртақлари алоҳида жанр сифатида ўзининг уйдирмалари, катъӣй ва барқарор сюжети, композицияси, образлар тизими, анъанавий мотивлар, бадиӣй усули ва фантастикаси билан намоён бўлади.

6. Кумулятив эртақларда сузларнинг ранг-баранглиги ва буёқдорлиги алоҳида эътибор қаратилади. Бир хил сузлар такрорланиб келса-да, ҳар галги ижрода унга янги маъно юкланади, янгича мазмун кашф этилади. Шунинг учун ҳам кумулятив эртақларнинг ижро жараёни бошқа эртақлардан тамомила фарқ қилади. Бу хил эртақлар ижроси қушиқ ёхуд тез айтишга яқин туради.

7. Кумулятив эртақларда мотивлар ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бу ўзига хослик мотивнинг биргина жумлада ҳам намоён бўлиши бўлса, иккинчи ўзига хослик биринчи навбатда образларнинг, мотивларнинг бир эртақ давомида такрорланиб келишидир. Кумулятив эртақлардаги ўзига хос сюжет тизими, мотивлар тадқиқи бу тур эртақ персонажлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилишни талаб этади. Ўзбек ва инглиз кумулятив эртақларидаги занжирсимон такрорӣйликда рақам, сўз, мисра, мотив, ранг, персонажларга алоҳида урғу берилади. Бу тур эртақларда сеҳрли рақамларга ёхуд алоҳида сўзга урғу берилиши кумулятив эртақларнинг юзага келиш тарихи қадим тасаввурлар билан боғлиқ эканлигини ургулаш билан бирга, жанрнинг ўзига хослиги ва бадииягини таъминлашда муҳим унсур бўлиб хизмат қилган.

8. Кумулятив эртақларда энг кўп такрорланиб келувчи шарт-тақик мотиви ҳар гал такрорланиб келганда доимӣй такрорланиб келувчи сўз, бирикмалар ўзгариб боради. Ҳар гал такрорланиб келувчи бундай мотив, сўз ёхуд бирикмалар ўхшаш ва айнан бўлиши билан бирга, ўз оҳанги, эртақ матнига юклаётган семантик маъно қулами жиҳатидан фарқликларга эга. Кумулятив эртақларга хос булган биргина шарт мотиви «Тухумбой билан Буйраквой» ва «Уч эчки» эртақларида шарт-тақик, «Ойжамол билан қал» эртагида шарт-синов, «Кампир ва унинг чўчкаси» эртагида шарт-келишув, «Уч кичик чўчкача» эртагида шарт-талаб мотиви сифатида келади ва фарқлилик касб этади.

9. Кумулятив эртақларнинг аксариятида одам, ҳайвонлар, қушлар, жониворлар билан бир қаторда, нарсa-буом, ашёлар ҳам иштирок этади. Бу буюмлар ҳар бир матнда ўзига хос маънога эга бўлиш билан бирга, бошқа персонажлар билан бирга эртақда умумий яхлитликни, эртақ бадииятини таъминлашга хизмат қилади.

10. Кумулятив эртақларда муқаддима ва якун қўп ҳолларда аънанавий бошлама билан бошланиб, аънанавий хотима билан якун топади. Инглиз халқ эртақларнинг аксариятида аънанавийлик мавжуд. Бирок, ўзбек эртақларида инглиз эртақларига нисбатан аънаналар қатъий эканлигини қузатамиз. Кумулятив эртақларда якун икки хил тарзда намоён бўлади. Биринчи туркум «Тухумбой билан Буйракбой», «Ойжамол билан кал», «Чумчуқвой», «Чивинбой» каби ўзбек, «Кампир ва унинг чўққаси», «Жэк ўз бахтига қандай эришди?» каби инглиз эртақларида қахрамонлар аънанавий тарзда ўзларининг мурод ва мақсадига этади, иккинчи туркум «Ношуд бола», «Бит ўлди – бурга азадор бўлди», «Товук ва бугдой дони», «Титти сичқон ва Татти сичқон» каби эртақларда эса панд, насиҳат, баъзан эса фожиа билан якун топади.

11. Кумулятив эртақлардаги персонажларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: фаол ва нофаол персонажлар. Фаол персонажларнинг аксарияти образ даражасига қўтарилган. Энг муҳими эса улар эртақ матнида ўзининг нутки ва қатъий ҳаракатига эга. Бу суз ва ҳаракатлар эртақ мотивини юзага келтиради. Эртаққа семантик қўлам бағишлайди. Бирок кумулятив эртақларда нофаол персонажлар ҳам мавжуд. Улар эртақда эпизодик характер касб этади. Бундай персонаж ёхуд ашё эртақ мотивини ҳаракатлантирмайди, матнга семантик маъно юкламайди, энг муҳими, эртақ матнида ўз нутки ва ҳаракатига эга эмас.

*12. Ранг-баранг сюжет ва образлар тизими, мотив, суз, мисра ва бирикмаларнинг такрорийлиги, эртақ матнида занжир ҳосил қилиши кумулятив эртақларнинг бадииятини таъминлаб бериш билан бир қаторда унинг ўзига хос хусусиятларини намоён этади, фольклордаги бошқа жанрлар, жумладан, ҳайвонлар ҳақидаги, сеҳрли ва маиший эртақлар, қўшиқ, топишмоқ, болалар ўйин фольклори билан қиёсий ўрганиш зарурати мавжудлигини ургўлайди.

13. Ўзбек ва инглиз халқ кумулятив эртақлари неча асрлик тарихий маданият ва аънаналарни, ҳар бир халқнинг ўзига хос маиший турмуш тарзини ўзида акс эттириб келган, ўзининг ижро шакли, мазмуни, бадиий талқини ва лингвокультурологик хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб турувчи ҳар икки халқ фольклорининг бир бўлагидир. Кумулятив структура эга ўзбек ва инглиз халқ эртақларини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятига эга бўлиб, бу тур эртақларнинг тадқиқ этилиши фольклордаги жанрларнинг юзага келиши, ўзига хос хусусиятлари, структураси, бадиияти ва тарихий тараққиёти ҳақидаги тасаввурларимизни бойитишга хизмат қилади.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ DSc.30.08.2018.Fil.46.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА,
ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА**

**ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ХОЛМУРОДОВА ОЛИМА АБДИВАЛИЕВНА

**СРАВНИТЕЛЬНО-ТИПОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ
УЗБЕКСКИХ И АНГЛИЙСКИХ КУМУЛЯТИВНЫХ СКАЗОК**

10.00.08 – Фольклористика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под № В2020.2.PhD/Fil.462

Диссертация выполнена в Джизакском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице www.tai.uz, а также на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ziyonet.uz

Научный руководитель: Эшонкулов Жоннор Салиевич,
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: Рахмонов Насимхон Аскарлович,
Доктор филологических наук, профессор

Selami Fidakar, доктор филологических наук
Тегийский университет, Республика Турция




Ведущая организация: Ургенчский государственный университет

Защита диссертации состоится 8 декабря 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.30.08.2018.Fil.46.02 по присуждению ученых степеней при Институте узбекского языка, литературы и фольклора АН Республики Узбекистан (Адрес: 100060, Ташкент, Шахрисабзский переулок, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44, e-mail: uzlit@uzsci.net)

С диссертацией можно ознакомиться в Главной библиотеке АН Республики Узбекистан (зарегистрирована под номером ___). Адрес: 100100, Ташкент, ул. Зелениар, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Автореферат диссертации разослан 29 декабря 2020 года ресестровый протокол под номером 15 от 29.12. 2020 года!




Б. Тухлийев,
Зам. председателя научного совета
по присуждению ученых степеней,
д. филол. н., проф.

А. Худайкулова,
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней, к. ф. н.

Ш. Турдимов,
Председатель научного семинара научного
совета по присуждению ученых степеней, д. ф. н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мировой фольклористике растет интерес и внимание к определению занимаемого места устного народного творчества каждого народа в мировой цивилизации. Расширяется круг исследований, направленных на выявление историко-генетических корней эпических сюжетов, а также особенностей художественной эволюции архетипических мотивов, оказавших сильное влияние на развитие поэтического мышления.

Публикация типологического каталога (ATU) эпических сюжетов и мотивов сказок народов мира, составленного А. Аарном, С. Томпсоном и Х.Й. Утером, дала возможность приводить исследования, касающиеся усовершенствования классификации сказок тюркских народов Средней Азии, в том числе сказок узбекского народа, а также выявления основных типов сюжетов.

Исследования в современной мировой фольклористике, касающиеся типологии и поэтической трансформации эпических сюжетов, открыли новый этап изучения жанрового состава народной прозы. В результате выяснилось, что в процессе последовательного развития сказочной традиции сформировался тип кумулятивных сказок, основанный на цепочном повторении сюжетных событий. Научно-теоретические выводы, полученные в результате исследования европейскими сказковедами английской народной прозы, послужили основой для изучения своеобразных особенностей, поэтической структуры, состава мотивов и системы образов узбекских кумулятивных сказок.

Среди мировых ученых усиливается научный интерес к определению роли и вклада устного творчества каждого народа в развитие мировой цивилизации. Можно без преувеличения подчеркнуть, что фольклорные произведения, отличающиеся переливами естественных красок художественного слова, в качестве первых образцов поэтического словесного мастерства являются результатом многовекового развития устного народного творчества. Устное народное творчество в качестве бесценного духовного богатства, отличаясь богатством разнообразия художественного содержания, отражая высокие нормы морали, определяя приоритеты национальных ценностей, пройдя перипетии истории, высветлилось на протяжении многих веков. Хотя интерес к изучению фольклора существовал во все времена, независимость Узбекистана создала большие возможности для широкого развития фольклористики.

В последнее три года со стороны государства уделяется большое внимание развитию всех сфер, и в том числе популяризации и исследованию национальных ценностей – произведений устного народного творчества.

Подобно тому, как современное развитие при решении проблем требует ускоренных темпов и новых подходов, так и инновационные идеи в фольклористике ведут к формированию новых методов и взглядов в изучении образцов фольклора. Фольклористика XXI века охватывает не только общемировые проблемы, но и такие важные направления локального характера как углубленное изучение и анализ образцов узбекского

фольклора, исследование их в связи с современными общественными отношениями, популяризация произведений национального фольклора среди других народов мира, а также вопросы цифровизации фольклорных текстов. В частности подчеркивается, что: «Древняя история и культура любого народа воплощаются в первую очередь в его устном творчестве – дастанах и эпосах, которые являются бесценным источником понимания самобытности нации, сохранения и развития ее уникальных национальных ценностей и традиций»¹.

Необходимо подчеркнуть, что народные сказки, являющиеся образцом фольклора, также занимают особое место в истории нашего народа, в его национальной культуре и в искусстве эпического художественного слова. Этот вид искусства, который веками передавался из поколения в поколение, играет важную роль в развитии национального художественного мышления, повышении ее эстетического вкуса и во всестороннем воспитании молодого поколения, определяет актуальность и необходимость научного исследования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, обозначенных в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 октября 2010 года № 222 «Об утверждении Государственной программы охраны, сохранения, популяризации и использования нематериальных культурных объектов на 2010–2020 годы», в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 17 февраля 2017 года № ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации научно-исследовательской работы, управления и финансирования», от 20 апреля 2017 года № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», в Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11 августа 2017 года № 610 «О мерах по дальнейшему повышению качества обучения иностранным языкам в образовательных учреждениях», от 13 сентября 2017 года № ПП-3271 «О комплексной программе мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению и популяризации культуры чтения», от 14 мая 2019 г. № ПП-4320 «О мерах по дальнейшему развитию искусства бахши», в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 21 октября 2019 года «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка», от 26 апреля 2018 года № 304 «О мерах по дальнейшему развитию и совершенствованию искусства бахши и дастаного сказительства», в документе о провозглашении Президентом Ш. Мирзиёевым 2020 года «Развитием науки и просвещения и цифровой экономики», а также в разработках мер по развитию образования и в других соответствующих нормативно-правовых актах в данной области.

¹ Узбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишлаган таптанали маросимдаги нутқи // Халқ сузи гачетаси. 2019 йил 7 апрель.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления в социальном, правовом, экономическом, культурно-духовном развитии информированного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы.

В вопросе исследования специфики жанра сказки следует подчеркнуть заслуги А. Арне, С.Томпсона, Х.Й. Утера, В.Я. Проппа, Э.М. Мелетинского, В. Аникина, Л.Г. Барага, Е. А. Тудоровской, Ю. М. Соколова¹, внесших большой вклад в мировую фольклористику. В издании ЮНЕСКО «Предложения по сохранению традиционной культуры и устного народного творчества»², выпущенного в 1989 году, отмечено, что классификация сказок является одним из серьезных научных попыток сохранения сказок.

Создание финским ученым А. Аарне классификатора «Указатель типов сказок», научные труды российских ученых В.Я. Проппа «Исторические основы волшебных сказок», Е.М. Мелетинского «Герой волшебной сказки», Е. Тудоровской «Русская волшебная сказка, её структура и типология»³ играют важную роль в изучении сказок народов мира.

Классификация сказок была разработана многими учеными на основе сказок разных народов мира, но три из них стали основой для научной дифференциальной системы сказок, в том числе «Указатель мотивов народных сказок» Стита Томпсона, «Морфология сказок» В.Я. Проппа и АТУ (Аарне/Томпсон/Утер) «Международные типы сказок: классификация и библиография»⁴. Классификация разработана в соответствии с типами,

¹ Aarne A. The Types of the Folk-tale: A Classification and Bibliography. Antti Aarne's Verzeichnis der Marchentypen / A.Aarne; translated and enlarged by S.Thompson. – Helsinki: Academia Scientiarum Fennica, 1928. – 279 с.; Thompson S. The folktales. – London: University of California Press, 1977. – 502 p.; Uther H.J. The Types of International Folktales, a Classification and Bibliography, based on the System of Antti Aarne and Stith Thompson by H.J.Uther – Helsinki, 2004; Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – М.: Лабиринт, 2000. – 336 с.; Мелетинский Е.М. Герой волшебной сказки. – М.: СПб.: Традиция, 2005. – 240 с.; Аникин В.П. Русская народная сказка. – М.: Просвещение, 1977. – 208 с.; Барга Л.Л. Народные сказки, легенды, предания и были Башкирии. – Уфа: Башкирское издательство, 1969. – 191 с.; Тудоровская Е.А. Русская волшебная сказка: её структура и типология. – М.: Балтийские сезоны, 2017. – 349 с.; Соколов Ю.М. Русский фольклор (устное народное творчество). – М.: Юрайт, 2018. – 243 с.

² UNESCO (1989) Recommendation on the Safeguarding of Traditional Culture and Folklore. Retrieved 18 October, 2012, from <http://portal.unesco.org/en/ev.php>

³ Aarne A. Verzeichnis der Marchentypen. – Helsinki: Suomalaisen Tiedekatemia Toimituksia, 1910. – 192 p.; Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л.: ЛГУ, 1986. – 365 с.; Мелетинский Е.М. Герой волшебной сказки. – М.: СПб.: Традиция, 2005 – 240 с.; Тудоровская Е.А. Русская волшебная сказка, её структура и типология. – СПб.: Балтийские сезоны, 2017. – 352 с.

⁴ Thompson S. Motif-Index of Folk-Literature: a Classification of Narrative Elements in Folktales, Ballads, Myth, Fables, Mediaeval Romances, Exempla, Fabliaux, Jest-Books, and Local Legends. – Helsinki. – 1936. Volume 1-6.; Пропп В.Я. Морфология сказки. – М.:

